

СОГЛАСИЕ ДЛЯ ВЪВРЕМЕННОГО ТУХМАТА



15 май 1999 йил, № 21 (145).

ИМОЛДАН «ДАВР МИНВАРИ» НОМИ БИЛАН ЧИКА БОШЛАГАН.

З-бет.

Содиқла

ТУХМАТ

Одатда меванинг сарасини курт еганидек, бўхтон ҳам яхши одамларга ёпишади.

Ж. СВИФТ.

Муниса янги иш бошлаганинига ҳали кўп вақт бўлмай, куруқ тухматга учради.

«Парсамин йўқотдим» дей безрайиб ўтирган ходимнинг кузларига тикилди:

— Гулнора, йўқотган парсангизни сиз кимдан гумон қилипсан? Нима учун менга ҳамма нафрат кўзи билан қарайантি?

— Мен катта қийматдаги буюмимни йўқотдим, ҳаммадан гумон қилишга ҳақлиман, — дейя жеркиб берди Гулнора.

Шу куни Муниса уйга дардalam билан кириб келди. Ҳеч ким билан гаплашмай, изтироблари билан ёлғиз қолди. Онла аъзолари атрофида парвона: «Нима бўлди ўзи? Нечун йигламоқда?». Оиласадагиларга «Мени ўғрилинида гумон қилишимоқда» дейя қандай айтсиз.

Кечаси билан мижжак қоқмай, ўйлануб чиқди. Эрталаб кўзгуга қараса, ранги бир аҳволда, сочига оқ оралабди. «Тудмат балоси, намунача бешафқатсан», — дейя нидо қилиди.

Муниса ўзини қўлга олишига, бардам кўринишга ҳаракат қилди. Ишхонасига ҳеч нарса бўлмагандек кириб борди. Мунисанинг ўғрилигига ишонган ёки унинг ўғри бўлиб чиқинини истаган ҳамкасларига бу кутилмаган ҳол эди.

— Мамлакатхон, қаранг яна қайсиюз билан ишга келди экан-а?

— Ҳа-я, худо кўрасатиб қўйди-ку, уятсан. Мен сени ўринингда бўлганимда, бу ерга иккинчи қадам босмас ғадим. Харомдан топганинг фарзандингни ўлтига буюрсиз, илойим.

— Мамлакат опа, нима учун мени ўғрилик қилганинга шунчалик ишоняпсанзлар? Биттагина фарзандимга ўлим тиламанг. Мен ҳақи-

қатни тагига етаман — ўғри эмаслигимни исботлайман.

— Шунақами? Фолбин ўғри сен эканлигини аниқ айтиб берди-ку!

Мунисанинг хўрлиги келди. Ўрнидан туриб хонадан чиқиб кетмоқчи бўлган эди, кўз олди қоронгулашиб беҳуш бўлиб йиқилди...

Муниса кўзини оҳиста очди. Қаерда ётганини билмоқчи бўлиб, атрофига аланглади.

— Аяжон, қўзингизни очдингизми? Ҳайрият, энди қасал бўлманг, — дейя қизи Муҳайё онасини қучди.

— Муҳайё, менга нима бўлди, қизим? — сўради қизидан.

— Кеча эрталаб ишхонангиздан Сизни шифохонага олиб кетишгани ҳақида хабар қилинди. Кечадан бўён ўзингизни билмай ётибсиз, нима бўлди сизга?

— Ҳеч нарса бўлгани ўқ. Бир оз мазам қочди, холос...

Шу пайт эшик оҳиста очилиб Муниса ишлайдиган корхона раҳбари кириб келди.

— Мунисахон яхши бўлиб қолдингизми? Бўлиб ўтган гапларни унутниг, тезроқ согайиб ишга қайting, — дейя Мунисанинг кўнглини кўтарди.

— Саломат Ҳакимовна, менга тухмат қилишди. Буни қандай унутай? Мен ҳеч нарса ўғирлаганим йўқ, ахир!

— Гулноранинг «Иўқолган буюмни Муниса олган, фолбин буни аниқ айтиб берди» деган гапига мен ҳам лаққа тушибман. Аслида, ҳеч қандай ўғирлик содир бўлмаган экан. Гулнора сезиз ёмон отлиқ қилиб, сиз өгаллаб турган лавозимни олиш мақсадида тўхмат ўюштирган экан. Барча ходимлар гувоҳлигига у ўз қилмишига иккор бўлди. Муниса, гапларимни ёшитяпсанзми.

Муниса жавоб бермади. У юзини ўғирганича юм-юм йиғларди.

МУЪТАБАРБОНУ.